

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзб. парвариши бўйича олиб бориладиган ишларнинг аҳоли ўғирисидан Тожикистон ССР ўзро текшириш бригадаси раҳбари ўртоқ А. Н. Мақсумов, Туркменистон ССР ўзро текшириш бригадаси раҳбари ўртоқ А. К. Оруджев ва Қирғизистон ССР ўзро текшириш бригадаси раҳбари ўртоқ М. Н. Исмонловнинг ахборотларини эшитиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети таъкидландики, республиканинг кўпгина колхоз ва совхозлари табиат инқибликлари етиб ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан пахта далаларида мўл ҳосил тўшлаш ва юбилей йилда камида 4 миллион тонна пахта етиштириш давлатта сотиш юзасидан қабул қилган мажбуриятларини бажариш учун етарли шароит яратилар.

Шу билан бирга, ўзро текширишда республикадаги қатор колхоз ва совхозларда ўзб. парваришида йўл қўйилмаётган қў-

да. Буларнинг ҳаммаси ҳосил етиштиришда тузатиб бўлмайдиган зарар келтириши мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети жойлардаги базис партия совет ва кишлоқ ҳўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари ҳосил тўплашини ҳал қилувчи даврида пахта майдонларида қаттиқ курашни ташкил этиш ўрнига кўпгина ҳўжаликларда ва районларда ўзб. парваришини тўхтатиб қўйиш тенденцияси йўл қўйилганлигини ва меҳнат иштироки бўлишиб кетганлигини кечирилмас ҳол деб ҳисоблайди. Шунингдек ҳосил йиғим-теримига, айниқса, машина теримига тайёргарликнинг сўт бораётганлигини таъкидлаб ўтади.

Қардош республикалар ўзро текшириш бригадалари кўпгина колхоз ва совхозларда шол, сабзавот, полз экинлари ҳамда озуқабоп экинларини парвариш қилиш яхши ташкил этилмаганлигига эътиборни жалб этиб, жуда тўғри

14 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 147 (3629).

28


ИЮЛЬ

ЖУМА

1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийил.

Шу кунларда Оққўрғон районидаги «Москва» колхозининг пахтакорлари ўзб. парваришнинг тобора авж олдириш билан бирга кишлоқ ҳўжалиги зараркунадаларини йўқотишга ҳам жиддий эътибор бермоқдалар. Суратда: колхозда ҳашаротларга қарши самолёт билан дорини сепиш пайти.



ЁШЛИК, МАРДЛИК ВА ЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Бугун Ватанимизнинг пойтахти — Москвада СССР халқларининг IV спартакиадада тантанали равишда очилди. Барча иттифокдош республикаларнинг физкультур ва спорт ташкилотлари ҳамда спортчилари ўзларининг бу катта байрамларига қизгин тайёргарлик ҳолда келдилар.

Бу йил ўтказилаётган спартакиада совет спорт тарихида жуда катта воқеовир. Спартакиаданинг юбилей йилда ўтказилаётганлиги ҳам унинг аҳамиятини кўп даражада оширди. Бутун совет халқи қатори мамлакатимиз спортчилари ҳам Улус Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун катта тайёргарлик кўрмоқдалар, ўзларининг спорт соҳасидати янги, улкан муваффақиятларини Октябрь юбилейига бағишламоқдалар. СССР халқларининг IV спартакиадада эришялган янги-янги рекордлар ҳам шу юбилейга аталмоқда.

Спартакиада байроғи гарчи расмий равишда бугун кўтарилса ҳам, унинг айрим турлари бўйича мусобақалар аяқланди. Республикаимиз ва шу жумладан Тошкент областининг спартакиадада иштирок этаётган вакиллари айрим муваффақиятларини кўлга киритганликларини таъкидлаш лозим. Бизнинг велосипедчиларимиз фахрли кичикчи ўринни олди, кумуш медаль билан мукофотландилар. 1-6 ўринлар учун финал гуруҳида курашган Ўзбекистон волейболчилари ҳам катта ютуқини кўлга киритдилар. Теннисчиларимиз, баскетболчиларимиз, қўйишчиларимиз эришган муваффақиятлар ҳам қувонарликдир. Аммо спортнинг бошқа турлари бўйича ўтказилаётган мусобақаларда республикаимизнинг вакиллари мамлакат миқёсида юқори кўрсаткичларга эришя олмаётганлар. Бу эса умумомлақда муваффақиятларига маълум даражада салбий таъсир кўрсатмоқда.

СССР халқларининг IV спартакиадада — ёшлик, ўзгаллик, эңчиллик ва қучилишнинг намойиш қилиб кўрсатувчи улкан байрамдир. Хар бир республика физкультур ва спорт соҳасида қандай муваффақиятларга эришялганлиги, бу соҳани янада кенг ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш учун қандай тадбирлар кўраётганлиги мана шу спартакиада нисолда аққол кўзга ташланади.

Областининг спортчилари ҳам совет спортининг катта отрядларидан бирини ташкил этадилар. Улар орасида мамлакатимиз ва республика чемпионлари, машҳур рекордсменлар, ҳатто жаҳон чемпионлари ҳам бор. Биз улар эришган буюк муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Областининг спорт жамиятлари ва ташкилотлари СССР халқларининг IV спартакиададаги тайёргарлик кўриш вақтида бир қатор амалий ишларни бажардилар. Физкультур ва спортнинг янада ривожлантириш, разрядли спортчилар сонини кўпайтириш, спортнинг оммавийлигига эришиш, айниқса кишлоқ жойларда бу ишнинг жонлантириш чоралари кўрилди. Шунинг натижасида спорт билан шугулланувчилар сонини 21.270 кишига кўпайди. Ҳозир областда ҳаммаси бўлиб 230 мингга яқин киши физкультур ва спорт ишларига жалб қилинган. Шу давр ичида 28 мингдан ортиқ разрядли спортчилар тайёрланди. Уларнинг 29 таси СССР спорт мастери ва мастерлиқа кандидатларидир. 209 киши эса биринчи разряд нормативини бажарди. Қисқа вақт мобайнида областда 5.357 жамоатчи инструкторлар, 4.722 жамоатчи судьялар, 41 мингдан ортиқ экиначилар тайёрланди. Бу — областнинг спортчиларининг жуда катта ютуғидир.

Шу ютуқлар билан бир қаторда, физкультур ва спорт ишларини йўлга қўйишда айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Айниқса кишлоқ жойларда, колхоз ва совхозларда бу соҳа билан шугулланиш ўз-ўзларичилик ташлаб қўйилганлигини кўрсатувчи фактлар учреб туради. Спортнинг оммавийлигини таъминлаш, разрядли спортчиларини кўплаб тайёрлаш, спорт билан шугулланувчи кишлоқ ёшлари учун зарур шароит яратиб беришда ҳали кўп иш қилиш лозим. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, спорт жамиятлари бу ишда яқиндан ёрдам кўрсатишлари керак.

Совет спорт жажонда етакчи ўринни эгаллайди. Бизнинг жажон чемпионлари унвонига сазовор бўлиб, янгидан-янги рекордлар ўрнатаётган маҳоратли спортчиларимизга жажон аҳли қойил қолмоқда. Бунда республикаимиз ва областимиз спортчиларининг ҳам маълум ҳиссаси бор, албатта.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимизда физкультур ва спорт ишларини кенг миқёсда ривожлантириш учун ҳама катта ғамўўрлик кўрсатмоқдалар. Бизда бу соҳани тагин ҳам кенг ривожлантириш учун ҳама имкониятлар яратиб берилган. Уминглаб томошабинларни ўзига сигдирадиган улкан стадионлар, спорт майдонлари, сув бассейнари, хилма-хил спорт инвентарлари меҳнаткаш халқимиз, иродали ёшларимиз хизматидадир.

Бутун совет халқи шонли Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XXIII съезди қарорларини ўзр фидокорлик билан амалга оширмоқда, мамлакатимизда коммунистик жамият кузмоқда. Бу бую курашда совет спортчилари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг спорт ва меҳнат соҳасида эришялган зафарлари Ватанимизнинг шон-шухратини тагин ҳам кўп даражада оширмоқда.

Янги-янги рекордларини мардона забт этаётган совет спортчиларига шон-шарафлар бўлсин!

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

25 июлда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетида Москвада келган Болгария Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раис Тодор Живков, Болгария Халқ Республикаси Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси Георгий Трайков, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Примов билан учрашув бўлди. Учрашувда Болгария Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси С. Геордов ҳам ҳозир бўлди.

Учрашувда совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сисий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Сулов, КПСС Марказий Комитети Сисий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари К. В. Русаков, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев қатнашдилар.

Учрашув қатнашчилари самимий ва дўстона вазиятда ҳар икки партия ва мамлакатни қизқитирувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

КОЛУМБИЯ БИЛАН САВДО БИТИМИ

Иқтисодий тараққиёт министрига ташқи саудо бошқармасининг бошлиғи Хорхе Валенсия Харамилло бошчилигидаги Колумбия саудо делегациясини 26 июлда Москвадан қўнаб кетди.

Делегация Москвада бўлган вақтида СССР билан Колумбия ўртасида саудо-сотиқ ва тўлов битимлари имзоланди. Совет Иттифоқининг Боготада ва Колумбиянинг Москвада саудо миссияларини таъсис этиш масаласи юзасидан ҳам мақтублар алмашилди. (ТАСС).



ЛУБ ЕТИШТИРИШ КЎПАЙТИРИЛСИН

Тошкент области СССРда етиштириладиган каноп толасининг 90 процентини, каноп уруғининг эса 100 процентини ишлаб чиқаради.

«Кўк олтин» етиштириш билан шугулланаётган ҳўжаликларида кўпчилик ҳодимлари мавжуд техника ва усуллардан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар. Лекин шу билан бир қаторда каноп етиштиришда кўла қиритилган прогрессив методлардан ҳали ҳам усталлик билан фойдаланмай агротехника қоидаларини бузиш ҳолатлари учреб туради. Бунинг натижасида обзастимиз ҳўжаликлари кейинги икки йил ичида давлатта каноп поиси сотиш планларини бажаролмай қолаётди. 20 та ҳўжалиқдан ўтган йили фақатгина бешта ҳўжалиқ ўз планини бажарди. Агарда каноп етиштириётган ҳўжаликлари 1963 йилда гектар бошига ўртача 141 центнердан кўк поя олган бўлсалар 1965 йилда ўртача ҳосилдорлик 129 центнерга тушиб қолди. Ўтган йили эса 260 минг тонна ўрunga 251,4 минг тонна каноп поиси сотилиб давлат плани 96,7 процентда қўлиб кетди. Каноп поиси етиштириладиган ҳўжаликлардан 11 тасида ўтган йили ҳосилдорлик кескин қайтаб кетди. Юқори Чирчиқ районидagi «Ўзбекистон» колхозини гектар бошига ўтган йили 6,3 центнердан, Оққўрғон районидаги Ангельс номи колхоз 22,6 центнердан, қолган ҳўжаликлари эса каноп поиси ҳосилдорлигини 9—11 центнердан қайтариб юборишди. Бунинг устига шу йилга нисбатан гектар бошига олинган ҳосилни қайтариб юборган

дир. Агар 1963 йилда областимизда каноп поиси 66 кунда йиғиштириб олинган бўлса, ўтган йили бу иш 82 кунга қўзғилиб кетди. Мавжуд экин майдонларидagi каноп пойсини озиқлантириш учун минерал ўғитлар мўлжалдагидан аяча кам берилди. Ўтган йили олинган ўн минг тонна минерал ўғит ҳар бир гектар ерга 30 килограммдан ҳам тўғри келмади. Олималимиз ҳам қанопчилик билан шугулланаётган ҳўжаликларга яқиндан ёрдам бермаётганлар.

Бу йил канопини озиқлантириш учун лубкор ҳўжаликлари 15 минг тонна минерал ўғит олишди. Шу кунларда 2130 гектар ерга табиий офат натижасида қайта экинган лубкор қўшнмча озиқлантиришга, уларни ўғит олдириш сугориш ишларига эътиборни қўйиб, мавжуд техника қисмларини 5 августдан кечиктирмай тугаллаш учун ҳамма чоралар қўрилди.

Бу йил 266 минг тонна каноп поиси хирмонини уйишдек шарафли мажбуриятини бажариш йўлида каноп етиштириётган ҳўжаликлари минг ҳодимлари қатор тадбирларини қўрилди. Қанопини қайта ишлашда 920 та агрегат ўрunga тайёрлаб қўйилмоқда.

Каноп поиси ўрш ишларига 12—15 августдан бошлаб киришиб бу ишнинг узоғи билан 20 сентябргача тугаллашга қарор қилинди.

СоюзНИХИнинг сектор мудирини ўртоқ Х. Н. Назиров каноп етиштиришда прогрессив методларни қўллаш ва иқтисодий самаларини ошириш йўлини ҳақида, каноп экинларини сугориш, ўз вақтида озиқлантиришга айниқса эътибор бериш зарурлиги ҳақида таъкидди.

Каноп экинларини сув қатлами юза бўлган ерларда мавсум давомида тўрт-беш марта ҳар ўн-ўн беш кунда бир марта сугориш мақсадга мувофиқ. Сув қатлами ҳуқур турган ерларда эса экинни ўсиш даврида олти-етти марта ўн-ўн икки кунда сугориш лозим.

1966 йилда ўртача ҳар гектар ердаги каноп 3,9 марта сугорилди. Натижада ҳосилдорлик кескин қайтаб кетди. Ана шундай ерлардаги канопини олти-етти марта сугорган ҳўжаликлари эса мўлжалдаги тўрт мартага яқин сугорган ҳўжаликлари планни бажаролмадилар. Минерал ўғитлар билан озиқлантириш ҳам жиддий эътибор бериш зарур.

Давлат махсус конструкторлик бюросининг бўлим бошлиғи ўртоқ А. Б. Новиков каноп етиштиришда қўллашдаги канопини қайта ишлашдаги «ЛС» маркали янги машина яратилганлигини конференцияда қатнашчиларга маълум қилди билан таъкидлади. Натижада ҳар бир гектар каноп поиси олти-етти сўм 99 тийиндан сарфланган, юқори ҳосил олган айрим бригадаларда эса бир центнер каноп 5 сўмга тушган.

Иқтисодий конференция қатнашчилари «Кўк олтин» етиштиришда қўлайтириш тадбирларини белгилади.

Иқтисодий конференцияда област партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдураззоқов нутқ сўзлади.

Суратда: конференция қатнашчилари каноп етиштиришда қўллашдаги янги техника билан таъминмоқдалар.

А. Абалин фотолари.

...индонга янги тинда уй журно
ериш, планлаштирилиб, иш
ошабо юборилди. 40 та уй
тин олинди.

— Тушаётган ариза ва ши-
оятлар — дейди қишлоқ сове-
тининг раиси Майрам Темир-
секова — Уз вақтида қараб чи-
қарилади ва ҳал қилинамоқда.
Бухтармашчиларнинг талаб ва
қўетижларини ўз вақтида сезиб
олмадикми.

Қишлоқ советининг жонқуяр
эпутатлари, доимий комиссия-
ларнинг аъзолари активларига
билан ҳамкорликда иш
либ бориб, халқ ишончилиги му-
носиб оқдлашта шундоқмонлар.

К. ЙУЛДОШЕВ

«Тошкент ҳақиқати»нинг
штатсиза мубҳияи.

БУГУН МОСКВАДА СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ IV ЮБИЛЕЙ СПАРТАКИАДАСИ ОЧИЛАДИ

МИЛЛИОНЛАР СПАРТАКИАДАСИ



ОММАВИЙЛИК УЧУН

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортни янада ривожлантириш тadbирлари тўғрисида» чиқарган қароридан кейин спорт янада оммавий тўғрисида. Буни областимиз мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Областимиз спорт жамиятлари ва ташкилотлари партия ва ҳукуматимизнинг ана шу қарорини амалга ошира бориб Октябрь байрамини муносиб совғалар билан кутиб олиш ниётида ўзaro мусобақани кўзатиб юборди. Дастлабки ютуқлар қўлга киритилди. Шу йилнинг ўзига спортчилар сони 21 минг кишига ўсди. Ҳозирда областимизда физкультура ва спорт билан 330 мингга яқин киши шугулланади. Қисқа вақт ичда 28 минг 122 спортчи разряд нормативларини бажариб, 29 киши спорт мастери ва мастерлик кўндигат бўлишди.

Физкультура ва спортни оммавий ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири бўлган спорт нишотлари қўрилишига ҳам катта эътибор бераямиз. Областада спорт нишотлари сони 76 тага етди. Ўқиб-йўқиб, баскетбол, теннис майдончалари, спорт заллари қўрилди.

Бухарнинг кўпчилиги жамоатчилик асосида қўрилган кишини хурсанд этади. Олмалик, Чирчиқ шаҳарларида енгил атлетика манежлари, Оқангирон шаҳрида эса янги стадион қўрилди. Олмалик шаҳрида суви иситилган суви хавзаси қўйилганига топширилди. Яқин орада яна битта ана шундай хавза ишга туширилади. Турли мусобақалар ўтказишга мослашган спорт зали қўрилиши ҳам ниҳоятга етиб қолди. Маҳсулотирилган оғир атлетика залида спортчилар машгулотларини бошлаб юборишди.

Юқори Чирчиқ ва Оржоникидзе районларида янги стадионлар қўрилиши бошлаб юборилди. Янгиёул районидagi Свердлов номи колхозда барпо этилаётган стадион яқин орада спортчиларни бағрига олади. Бўка районидagi стадион қайтадан реконструкция қилинапти.

Пискент посёлкида миллий кураш мусобақалари ўтказилганда махсус спорт аренаси қўрилиши жадал суратлар билан давом этапти.

«Политотдел» колхозининг янги стадиони мамлакат кишлоқ стадионлари ўртасида энг каттаси ва гўзалли деса бўлади. 12 минг томошабинга мувожазланган бу спорт нишоти кишлоқ кўрки бўлиб қолди.

Ана шу спорт нишотларида иш олиб бораётган жамоатчи тренерлар, инструкторлар, судьяларнинг сафи ҳам кенгайиб борапти. 5 минг 357 киши жамоатчи инструктор, 4772 киши жамоатчи судья унвонини олди. Улар раҳбарлигида 41 минг дан зиёд йигит-қиз БГТО, ГТО, ГЗР значокларига норма топширади.

Бугун Москвада СССР халқлари IV спартакиадаси байроғи кўтарилади. Иттифоқимизнинг турли шаҳар ва районларидан келган энг кучли спортчилар сафидa бизнинг вакилларимиз ҳам бор. 65 спортчимиз Ўзбекистон терма командаси сафидa мусобақалашапти.

Бугун мамлакатимизнинг энг кучли спортчилари ўзларининг улкан анжуманига тўпланган кунда областимизнинг ҳамма шаҳар ва районларида қўлбал мусобақалар бўлади. Баскетбол, волейбол, футбол, енгил атлетика ва бошқа спорт турлари бўйича ўртоқлик учрашувлари, кўрсамали чиқишлар бўлади. Бир сўз билан айтганда бугун фақат энг кучли спортчилар учун эмас, балки энгиллар, кучлилар, довураклар ва ажирлар спортини севиб қолган ҳамма-ҳамма учун байрамдир.

И. НАБИЕВ,

спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи област Совети раисининг ўринбосари.

КУМУШ СОВРИНДОР

Сизга кулиб боқиб турган бу йигит велосипедчи Владимир Семенов бўлади. Владимир 83-бенистон терма командаси саставида дўстлари А. Дулин, Ю. Поминов, Б. Архипов, С. Медевед ва В. Балабуев билан муваффақият қозонди. РСФСР вакилларидан кейин иккинчи ўринга чиқиб кумуш медаль эгаси бўлди.



Шу йил апрель ойининг бошларида Тошкент—Қўқон—Фарғона—Андижон—Наманган—Тошкент маршрути бўйлаб кўпқўлиқ велосипед пойгаси бўлиб ўтди. Минг километрдан ортиқ масофада барча кўпқўлиқ спорт жамиятларининг юз эллигидан ортиқ вакиллари қатнашди. Улар орасида баланд бўйли малла соҳ Владимир ҳам бор эди. Тошкент армия спорт клуби командаси аъзоси В. Семенов тарта чиқар экан, ҳеч ким уни қўлиб келди деб ўйламаган ҳам эди. Пойгада мамлакат дони кетган ва йиринг халқaro мусобақаларда қатнашиб катта тақрибa ортиртган ана-ука Михаил ва Алексей Колосовлар, Юрий Поминов, Александр Дулин, А. Черноголов, Б. Архипов сингари кучли спортчилар бор эди. Аввалги кўпқўлиқ пойга ғолиби Ю. Поминов бу гал ҳам жуда яхши спорт формасида эди.

Иккинчи бўлар учун ҳам, қолаверса тренерлар учун ҳам кунтирмаган ҳол юз берди. Армия спорт клуби аъзоси В. Семенов кўпқўлиқ пойга ғолиби бўлди. Бу йигит 25 километрга бўлган шахснб пойгада ҳам республика чемпиони унвонини қўлга киритди.

Владимир СССР халқлари IV спартакиадасига жўнаб кетар экан, шундай деган эди: — Республика кўпқўлиқ пойгасининг ғолиби бўлганлигим учун ҳам мендан кўп нарсани талаб қилишади. Бу ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

В. Семенов сўзининг устидап чиқди. У Қрим йўллари бўйлаб ўтказилган пойганинг деярли учдан икки қисмида фахрли

пешқадамлар сафидa борди. Иккинчи эстапада эса ғолиблиқ майнасини кийди. Бу албатта ёш велосипедчимиз учун жуда катта ютуқ эди. Ҳақиқатан ҳам ўқиб-йўқиб кўрсатган спорт мастери ва кучли рақиблар давраида қаровонини бўлишининг ўзгача гашти бор.

В. Семенов 1458 километр йўлни 36 соат 49 минут 01 секундда босиб ўтди. Бу мамлакатимиз энг кучли велосипедчилари ўртасида ўн иккинчи кўрсаткичдир.

Спартакиаданинг кумуш совриндори В. Семеновга бўлажак мусобақаларда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

У. ШАРОПОВ.

Суратда: В. Семенов.

М. Нуриддинов фотоси.

КИМ НЕЧАНЧИ ЎРИНДА?

- Спартакиада программаси асосида ўтказилган баскетбол, волейбол, академик энгак эншш, байдарка ва каноада сузиш мусобақалари яқини ва гимнастика, ча-вондоэлик, ҳозирги замон беш кураши, теннис ва велосипед пойгаси бўйича ўтказилган мусобақалар натижаларини кўшиб ҳисоблаганда командалар қўйидаги ўринларини эгалаб туришибди:
1. Москва — 393 очко
 2. РСФСР — 373 очко
 3. Украина ССР — 369 очко
 4. Ленинград — 304 очко
 5. Грузия ССР — 271 очко
 6. Латвия ССР — 265 очко
 7. Қозғистон ССР — 259,5 очко
 8. Белоруссия ССР — 257 очко
 9. Латвия ССР — 240 очко
 10. Эстония ССР — 230 очко
 11. Озарбайжон ССР — 222 очко
 12. Ўзбекистон ССР — 219,5 очко
 13. Арманистон ССР — 160 очко
 14. Молдавия ССР — 140 очко
 15. Қирғизистон ССР — 113 очко
 16. Туркменистон ССР — 94 очко
 17. Тожикистон ССР — 88 очко

МАРДЛИК ВА МАҲОРАТ

Бугун Москвадаги Ленин номи Марказий стадионда Совет давлатининг 50 йиллигига бағишланган СССР халқлари IV спартакиадасининг байроғи таътанали вазиятда кўтарилади.

Спортчиларнинг бу анжуманини оммавийлиги билан олимпиада ўйинларига тенглаштира билади. Агар СССР халқлари I спартакиадасида 20 миллион спортчи тарта чиққан бўлса, II спартакиадада бу рақам 40 миллионни ташкил этди. 1963 йилги III спартакиада мусобақаларида 60 миллиондан ортиқ киши қатнашди. Юбилей спартакиадаида бу рақам янада ошиб кетди.

Барча иттифоқчи республикаларнинг спортчилари қатори республикамиз терма командалари ҳам бу улкан анжуманга жуда барвақат тайёргарлик кўра бошлаган эдилар. Ўқиб-йўқиб турли мусобақалар, ўқув-тренировка машгулотлари, матч учрашувлари, халқaro ўртоқлик учрашувлари ва нихоят 1966 ва 1967 йилги умумўзбек спартакиадаида кўп қатнашган Ўзбекистон IV спартакиадаси республика спорт ҳаётида бурилиш бўлиб қолди. Партия ва ҳукуматимизнинг «Физкультура ва спортни янада ривожлантириш тadbирлари тўғрисида» чиқарган қарорини амалга ошира бораган спорт жамиятлари ва ташкилотлари ўз ишида бармуноча жонлиниш асдиладар.

Спорт тобора оммавий тўс олиб борапти. Республика спартакиадаларининг уч эстапада 2,5 миллионга яқин киши қатнашган, 5756 физкультура коллективларида мусобақалар ўтказилганининг ўзи спортнинг наъчалик оммавийлашиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Мусобақалар давомидa 207 спортчи спорт мастери нормативини бажариб, 134 мингдан ортиқ спортчи разрядли бўлди.

Спартакиада байроғи гарнида бугун кўтариладиган бўлса-да, бир неча спорт турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди, голиблар аниқланди. Спартакиада программасига

спортнинг 23 тури киритилган. Ленинградда ўқувчилар ўртасида ўтказилган мусобақаларга «яқин» эсладик: Бу ерда спортимизнинг келажиги бўлган ёшлар 19 тур бўйича беллашдилар. Ўзбекистон терма командалари 121 очко билан умумий 12-ўринда қолдилар. Сузувчилар, қилчибулар бошқа тенгдошларига қараганда яхши қатнашиб 7-ўринни эгаллашди. В. Челюкина, Ю. Глиньский, В. Бадоева, Л. Моктиновалар СССР спорт мастери нормативини бажаришди. Сузувчилар Т. Исмонлова, А. Сосновский, Ю. Глиньскийлар бронза медалини олишга муваффақ бўлишди. Енгил атлетикачи Т. Пушкарёва тўрт курашда ғолиб келиб, олтин медаль эгаси бўлди. Ўзбекистон қизлари қўл тўпи бўйича умумкоманда ҳисобида Фахрли учинчи ўринга чиқибди.

Велосипедчиларимизнинг ғалабаси ҳаммаимизни хурсанд қилди. Волейболчиларимиз ҳам ўзбек спорт тарихида биринчи марта энг кучлилар сафидa беллашди. Улар финалда гарнида ғолиб келишолмаган бўлса-да, умумий 6-ўринни эгаллашнинг ўзи катта гал. Волейболчи аёллар командамиз ҳам яхши қатнашди ва 7-ўринга чиқди. Баскетболчилар мусобақаларини тугатдилар. Ўзбекистон аёллар командаси 8, эркеклар командаси 10-ўринни олди.

Шахматчиларимиз ҳам мусобақаларини бошлаб юборганига бир неча кун бўлди. Улар биринчи кун Грузия командасига 4:6 ҳисобида ютказилган кейин, Тожикистон вакиллари устидан осонгина ғалабага эришди. Ҳисоб 8:2.

Бугун спартакиада байроғи қилпираган кунда пойтахтининг ҳамма спорт базаларида 17 тур бўйича мусобақалар давом этади. Ўзбекистон терма командалари энг кейини маълумотга кўра 219,5 очко билан 12-ўрини эгалаб туришибди.

П. КОНОВАЛОВ,

республика спорт союзи спорт федерациялари бюросининг раиси.

РАҚАМЛАР

1959 йили ўтказилган СССР халқлари иккинчи спартакиадасида Ўзбекистон спортчилари жами етти та медални қўлга киритишган эди. Бунинг биттаси олтин, тўрттаси кумуш ва иккитаси бронза эди.

1963 йилги учинчи спартакиадада ўзбек спортчилари 27 та медал эгаси бўлишди. Бунинг 8 таси олтин, 10 таси кумуш ва 9 таси бронза медалларидир. Ўша йили республикамиз вакиллари СССР миёсидa иккита, Ўзбекистон миёсидa 28 та рекорд ўрнатилди.

Сузувчилар С. Бабашина, Р. Машина, М. Павлова, Н. Устинова, мерган А. Волчченко сувага сакровчи В. Пилико, гимнастикачи Н. Мясуслар олтин медал билан тақдирланшди. Учинчи спартакиадада Ўзбекистон спортчиларидан 97 киши фахрли ўринларини эгаллашди.

Ўзбекистон ўқувчилар терма командаси иккинчи спартакиадада умумий 14-ўринни, учинчи спартакиадада 11-ўринни эгаллашган эди.

Редактор
А. ИСМОНЛОВ.

ФАКТЛАР

- ♦ XIV умумўзбек спартакиадасининг ҳамма босқич мусобақаларида 2 миллион 378 минг киши ёки республика аҳолисининг қарийб тўртдан бири қатнашди.
- ♦ Ўзбекистонда енгил атлетика билан 270 минг киши, волейбол билан 230 минг, футбол билан 179 минг, баскетбол билан 145 минг, мерганлик билан 115 минг, велосипед спортини билан 70 минг, сузиш билан 30 минг, кураш билан 25 минг, гимнастика билан 20 минг, бокс билан 12 минг киши мунозаам шугулланади.
- ♦ Республикаимизнинг 47 спортчимиз СССР терма командалари саставига кириди. 166 спортчи эса олимпиада командаларига номзод.
- ♦ Ўзбекистон спорт Союзида 7 мингга яқин ўқитувчилар, тренерлар ва инструкторлар ишлайди.
- ♦ Турли квалификациядаги қарийб 80 минг судья, шу жумладан Бутуниттифоқ категорияли 100 га яқин судья ҳамда 85 мингга яқин жамоатчи инструктор спортчиларимизга ёрдам беради.
- ♦ Утган 1966 йилда иттифоқчи республикалардан келган буюмлар ердамида Ўзбекистонда 13 та янги стадион, 274 та футбол майдони, 56 та зал, 3 та сузиш бассейни ва 1000 дан ортиқ спорт майдончалари бунёдга келди.

ФУТБОЛ ЯНА ДУРАНГ

«Пахтакор» билан Москванинг «Локомотив» командаси турнир жадвалида ёнма-ён қўшни. Бу командаларнинг ҳозирда кучи тенг эканлигини ўтган кунги учрашув ҳам исботлади. Тошкентлик футболчилар дарвозасини бу гал Н. Любарцев қўриқлади. Ю. Пшенников терма командаси саставида Польша командаси билан бўлажак учрашувда қатнашади.

Ҳуининг 14-минутидa Б. Петров ва 34-минутидa К. Красинскийлар биттадан тўп киритишди. Учрашувини 1:1 ҳисобида тугатган пахтакорчилар жадвалида бир поғона юқорига кўтарилишди.

Қозғок футболчилари Москванинг автозаводчиларини 3:1 ҳисобида енгилб сўнгги ўринини «Черноморец»га «бўшатиб» беришди. Куйбешининг «Крилья Советов» ва Донецкнинг «Шахтёр» командалари учрашувини 1:1 ҳисобида тугатди. Луганскнинг «Заря» командаси Нутаининг торпедчиларини 1:0 ҳисобида енгилди. «Зенит», «Черноморец» дарвозасига тўрт тўп киритиб, ўз дарвозасидан атиги битта тўп ўтказиб юборди.

«Пахтакор» биринчи давранинг сўнгги ўйинини Москвада «Торпедо» билан ўтказди.

Командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ҳ.	Т.	О.
«Динамо» М.	16	31	8
«Динамо» К.	16	19	6
«Шахтёр» Д.	17	21	19
«Нефтяник» Б.	16	29	12
«Динамо» Тб.	17	19	12
«Спартак» М.	17	19	13
СКА Р.	17	19	21
«Торпедо» М.	17	20	18
«Динамо» Мн.	17	21	17
«Кр. Советов»	17	9	8
ЦСКА	17	13	12
«Аратар»	16	15	19
«Пахтакор»	17	13	18
«Торпедо» Кт.	17	12	18
«Локомотив» М.	18	13	24
«Зенит»	17	6	18
«Кайрат»	17	13	16
«Черноморец»	17	12	24
	17	10	23

Эслатма: кеча Москванинг «Динамо» ва Бокунинг «Нефтяник» командалари учрашувини турнир жадвалида ҳисобга олимаган.

ҚАҲРАМОНЛИК БАЛЛАДАСИ

Пойтахт музика жамоатчилиги бу симфоник-балладаи киягин кутиб олди. Ҳуининг балет ва йиринг симфоник асарлари билан тингловчилар ҳурмати қозонган истеъдодли композитор Борис Гисенонинг ун тўрт Туркистон комиссар хотирасига бағишланган бу қаҳрамонлик балладаси Улуғ Октябрь революциясининг шовли 50 йиллик юбилейига ҳозирлаган муносиб ижодий армуғон бўлди.

Асар ун қисқалар иборат. Ҳар бир қисм ўзига хос музикали воқеага эга. Йилроқ куй балладанинг тағин ҳам жозибали бўлишини таъминлади.

Қаҳрамонлик гимни бўлиб янгирайдиган бу балладада жасур комиссарлар образи ёрқин акс эттирилган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 июлда
БИРИНЧИ ПРОГРАММА
(3-канал)

Рус тилида: 17.55 — Эшиттириш. лар программаси, 18.00 — Телев. змон янгиликлар, 18.20 — Қўш. ли шаҳар (иллий-оммабоп фильм), 18.40 — СССР халқ артистаси Ирина Архипова куйлайди. 19.20 — Эртаги кун програм. маси.

Ўзбек тилида: 19.25 — Телев. змон янгиликлар, 19.45 — «Муш. тум» журнали саҳифаларидан, 20.15 — Ҳозирги замон тарихий ҳужжати, 20.35 — Олтин водий (кишлоқ хўжалик ҳодимлари учун). 22.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
(5-канал)

Ўзбек тилида: 16.35 — Эшитти. ришлар программаси.

ЎЗУВ ЭШИТТИРИШЛАРИ
ПРОГРАММАСИ

17.00 — Физика. Фотоэффент но. мулари, 18.05 — Математика. Са. волларга жаваблар. 19.45 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.00 — Револю. ция, гўзаллик ва инсон («Ешлик»

ТЕАТР

МУҚИМИ НОМИ ТЕАТРА — 28/VI да Махтумқули, 29/VI да Гаҳари шамироғи.

22.25 — Бадний фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА (9-канал)

17.00 — Олимпиада телестудияси. нинг эшиттиришлари. ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.30 — Эшитти. ришлар программаси, 19.35 — Беш йилликлар ҳақида (болалар учун), 19.55 — Ҳужжати фильмлар.

Рус тилида: 20.15 — Бир недр. нинг сирлари (телефильм), 20.40 — Концерт, 21.20 — Алвидо (бадий фильм).

БЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (қу. дуз ва кечқурун).

ЭЗГИ ВИНОДА (ич соат 8.45 минут ва 10 яримда) Фантомас — «ФЕСТИВАЛЬ».

Фирнбгарнинг мартабаси — «ХИ. ВА».

Каназ асираси — НАВОНИ номи.

УЗГЕОФИЗТРЕСТНИНГ
МАРКАЗИ
ЛАБОРАТОРИЯСИГА

радиотехника ва радиофизи. ка бўйича инженер ва техни. лар; асбобларни ишлаш ва конструкциясини яратиш учун механиклар, тонарлар, слесар. лар, шофёрлар, бухгалтер

НЕРАК

Хизматчилар ишга ва ишдан қайтишда махсус автобусларда фойдаланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тош. кент, област Оржоникидзе райони, «Геофизик» посёлкиси, киярлар бўлиги (1, 4-автобусларнинг «Салор» остановкиси, дан «Салор.Тувель» автобуси, да «Геофизик» остановкисига. ча).

КИНО

КИШКИ ВИНОДА

Фантомас — «АЯККА», «ЎЗБЕ. КИСТОН», «ВОСТОК», «САҲАТ СА. РОНИ», «МОСКВА», «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 20 ЙИЛЛИГИ» (қу. дуз ва кечқурун).

Фирнбгарнинг мартабаси — НА. ВОНИ номи (қу.дуз ва кечқурун). Кеча, бугун, эртага — «ЎЗ.

СССР ЕНГИЛ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ

САНОАТИ ҲАМДА МАШИНИ АСБОБЛАРИ МАШИНА ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИНИНГ ТЎҚИМАЧИЛИК МАШИНАЛАРИ МАХСУС КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИГА (Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кучаси, 33-уй)

бош бухгалтер ва унинг ўринбосари, план.қисмас сестори бошлиғи, тўқимачилик уску. налари билан таниш бўлган инженер.конструкторлар, экс. перименталь санатига товар. шунос, 2,4 разрядли тонарлар, 2,4 разрядли фрезерчилар, 3,5 разрядли слесарлар, 2,4 раз. ядлин дурадоглар, хавфсиз. лик техникаси инженери, са. ноат эстетикаси инженери, сл. сар.сантехниклар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи келишилган ҳолда туланади.

СЕРТЕЛИ КАРЬЕРИГА

нони бойитиш жихозлари бўйича 3, 4, 5 разрядли сл. сарлар, 4, 5, 6 разрядли электр монтерлар, экскаватор, маши. нистлар (дизелли, электрли), ёрдамчи ишчилар, номи бой. тиш жихозлари бўйича меха. никлар, катта бухгалтер (ҳисоб бўлимига)

Иш ҳақи — ишбай, мукофот тарикасида туланади.

Елғиз ишчилар ётоқхона би. лан таъминланадилар.

Оилачилар 1 йил ичидa уй билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тош. кент шаҳар, Сергели посёлкиси, Салқин куча (66 автобусининг «Ўтиш лойи» остановкиси).